

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!

Ўзбекистон маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар,

хотин-қизлар ва ёшлар вакилларининг халқимизга

МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Маълумки, Ер сайёраси – башариятнинг ягона Ватани. Ер – ҳаёт манбаи. Инсон ҳаёти учун нимаики зарур бўлса, барчасини бизга мана шу саховатли замин инъом этади. Афсуски, бугун сувдан, тупроқдан нотўғри фойдаланиш, экологик жиҳатдан заарали технологияларни қўллаш оқибатида сайёрамизда иқлим ўзгариб, биохилма-хиллик йўқолиб бормоқда. Ер юзидаги **8 миллиарддан ортиқ** инсониятнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда БМТ минбаридан инсоният ҳаётига таҳдид солаётган **учта инқироз – иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланишини бартараф этишга доир муҳим ташаббусларни** илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 октябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масала бўйича бир қатор муҳим таклифлар билдириб, устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, **25 октябрдан**

1 декабрга қадар юртимизда “**кузги дарахт экиш мавсуми**” эълон қилинди.

Доимо она табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, атроф-муҳит соғлиги ва барқарорлигини сақлашга интилиб келадиган кўпмиллатли халқимиз номидан биз Президентимизнинг ана шу ташаббусларидан рух олиб, барчангизни, бутун эл-юртимизни **“Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!”** деган олижаноб ғояни қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Доно халқимизда: **“Яхшидан боғ қолади”** деган пурмаъно ҳикмат бор.

Шундай экан, миллий қадриятларимизга содик қолган ҳолда, оиласида фарзанд дунёга келганида унга атаб кўчат экиш, ҳашар йўли билан боғ-роғлар яратиш, иморатлар атрофини кўқаламзорлаштириш каби эзгу анъаналаримизга ҳамоҳанг тарзда **хар бир хонадон томонидан 20 туп кўчат экиш ва ўстириш ташаббусини илгари сурамиз.**

Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тўй ва бошқа яхши кунларида **ниҳол экишни анъанага айлантиrsак**, нима дейсизлар?! **Бу ғоят савобли тадбир эмасми?**

Қадрли маҳалла фаоллари, кўчабоши ва уйбошилар!

Айни вақтда, айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда бўш турган, дарахт экилмаган жойлар ҳам кўп. Эндиғи вазифамиз ушбу жойларни боғ-роғларга айлантиришда **маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, ҳудуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларни кенгайтиришдан** иборатдир. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада **“маҳалла боғлари”**ни яратишимиш, яшил ҳудудларни кўпайтишишимиз, шахсий намуна сифатида даст/заб ўз хонадонимиз ва кўчамизни обод қилишишимиз, **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ўз ҳиссамишни қўшишишимиз** зарур.

Экилган ҳар бир ниҳолни парваришилаш ва сақлашда маҳалла фаоллари, бошқарув-сервис компаниялари жонбозлик кўрсатиши лозим. Бунинг учун “**маҳалла еттилиги**”, **кўчабоши ва уйбошилар ҳамда хонадон эгаларини масъул сифатида бириктириш** мақсадга мувофиқдир.

Муҳтарам нуронийлар!

Сизларнинг ҳаётий тажрибангиз, дуо ва тилакларингиз халқимиз учун ҳамиша катта таянч ва суюнч бўлиб келмоқда.

Туманимиздаги нуронийлардан маҳаллаларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда, аҳоли томонидан кўчатларни намунали экишни ташкиллаштиришда янада фаоллик ва ташаббус кутиб қоламиз. Сизларнинг шахсий намунангиз, панду насиҳат, тавсия ва кўрсатмаларингиз барчамиз учун муҳим.

Нуронийларимизнинг ҳар бири 1 тупдан кўчат экса, **19800** дан зиёд янги дараҳт пайдо бўлади. Ёки ҳар бири ўз ёнига 10 нафар ёшни жалб қиласа, бу рақам 10 баробарга ошади.

Хурматли дехқон ва фермерлар, томорқа ер эгалари!

Ерга меҳр бериш, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш, кўчат экиб, боғ яратишда сизларнинг улушингиз катта. Биргина кўчат етишириш бўйича тўхтадиган бўлсак, туманимизда **296 та фермер**, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан **205 мингдан зиёд** тут, ток, тол, ёнғоқ ва бошқа ниҳоллар парваришиланмоқда.

Бу савобли ишларни давом эттириш учун ҳар бир хонадон эгаси ўз томорқасига, маҳалла гузари ва кўчасига **10 тупдан** кўчат экса, юртимиз бўйлаб ўртacha **370 минг дараҳт** бунёд бўлади.

Фермерларимиз “Бир дала – бир маҳсулот” тамоили асосида ўз ҳудудига **тут, ток, терак ва бошқа кўчатларни экса**, ҳар бир қарич еримиз боғ-роғларга айланади.

Қадрли зиёлилар, фан, адабиёт, санъат намояндалари ва спортчилар!

Жонажон Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган ташабbusларни қўллаб-қувватлашда сизларнинг фаол иштирокингиз муҳимдир.

Сиз каби эл таниган ижод аҳлига, зиёлилар ҳамда спорт юлдузларига юртимиз ёшлари ўзгача ҳавас билан қарайди.

Шундай экан, юртимизда амалга оширилаётган кузги дараҳт экиш мавсумида сизлардан **янги-янги ташабbusлар, амалий ҳаракатлар ҳамда шахсий намуна кутиб қоламиз!**

Мўътабар оналар, азиз опа-сингиллар!

Хонадонимиз, маҳалламиз файзу таровати сиз билан гўзалдир!

Табиат ҳам она каби муқаддасдир! Она ва табиат тушунчалари бир-бирига ҳамоҳангдир. Онани қандай эъзозласак, табиатни ҳам шундай қадрлашни фарзандларимиз онгу шуурига чуқур сингдирайлик!

Токи, зурриёдларимиз ота-боболаримиз сингари боғу бўстонлар яратувчиси, она табиат ҳимоячиси бўлсин! Шундагина табиатни асл ҳолидек сақлаб, уни келажак авлодга безавол етказишга эришамиз.

Айни вақтда, “**Оналар – яшил макон учун**” ғоясининг анъанага айланиб бораётгани, маҳаллаларда “**Оналар боғи**” ташкил этилаётгани қуонарлидир. Бу ишларда **46 та** маҳалладаги “Оқила аёллар” ҳаракатининг ҳам муносиб ўрни бор. Галдаги вазифамиз – **ушбу хайрли тадбирларни халқимиз орасида кенг ёйишдан** иборат.

Азиз ёшлар!

Сизлар Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор кучисиз! Халқимиз кўзлаётган юксак мэрраларга эришишда ақл-заковатингиз, ғайрат-шижоатингиз, она Ватанга бўлган садоқатингиз бекиёсдир.

Она заминимизга меҳр беринг! Нурли келажак учун бугундан бошлаб **ўз хонадонингиз, кўчангиз, маҳаллангизда ниҳолингизни экинг, ҳудудда “Ёшлар боғи”ни ташкил этишда ташаббус кўрсатинг!**

Асло унутманг, сиз Ўзбекистон фарзандисиз, сизнинг ҳиссангиз – бу ота-онангиз, маҳаллангиз ва бутун халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Қадрли юртдошлар!

Дараҳт экиш ва уни парваришлашни мажбурият эмас, **қадрият сифатида қабул қиласилик!**

Ҳар биримиз **келажак авлод олдидаги бурчимизни чуқур ҳис қилган ҳолда, “Яшил макон” лойиҳасини умумхалқ миллий ҳаракатига айлантирайлик!**

Токи, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал Ватан мерос қолсин!

2023-10-18 10:46:04